

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВ ФАРРУХ МИРЖАЛОЛОВИЧ

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ
МАХСУС ДАВОЛАШДАН КЕЙИНГИ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.12 – Тиббий реабилитология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Джураев Фаррух Миржалолович

Сут беги саратони билан касалланган беморларни махсус даволашдан кейинги реабилитациясини такомиллаштириш..... 3

Джураев Фаррух Миржалолович

Совершенствование реабилитации больных раком молочной железы после специализированного лечения 31

Djurayev Farrukh Mirjalolovich

Improving the rehabilitation of breast cancer patients after specialized treatment..... 60

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВ ФАРРУХ МИРЖАЛОЛОВИЧ

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ
МАХСУС ДАВОЛАШДАН КЕЙИНГИ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.12 – Тиббий реабилитология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2025.2.DSc/Tib1324 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.sammu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг (www.ziyounet) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собирова Гузал Наимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каххаров Алишер Джамалиддинович
тиббиёт фанлари доктори

Абдуллаев Равшанбек Бабаджонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.17.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 18. Тел.: (+99866) 233–30–34; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100400, Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси 18-уй. Тел./факс: Тел./факс (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Ярмахамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сут беши раки касаллиги аёллар ўртасида энг кўп учрайдиган онкологик касалликлардан бири бўлиб бугунги кунга қадар жаҳон ва миллий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири айланиб улгурган, «... дунёда 2022 йилда 2,3 миллион аёллар сут беши ракига чалинган...»¹. Реабилитация тадбирлари сут беши раки билан оғриган беморлар ҳаётида алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу тадбирлар фақат касалликни даволаш эмас, балки беморнинг жисмоний, руҳий ҳолатини тиклашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир. Реабилитация орқали операциядан кейинги оғриқлар, ҳаракат чекланиши, лимфостаз, чарчоқ ва суяк-мушак муаммоларини камайтириши мумкин. Шу билан бир қаторда психосоциал қўллаб-қувватлаш беморларнинг депрессия, хавотир ва ижтимоий яққаланиши каби ҳолатларини енгиллаштиради. Бир қанча илмий журналларда чоп этилган тадқиқотлар натижаларида ҳам реабилитациянинг самарадорлигини такидланган. Olsson Möller ва ҳамкасблари (2019) томонидан ўтказилган систематик таҳлилда «... реабилитациянинг беш асосий йўналиши кўрсатиб ўтилган...»², булар жисмоний машқлар, йога, лимфостазни даволаш, психосоциал интервенциялар ҳамда альтернатив усуллардир. Энг ишончли натижалар жисмоний машқлар ва йога орқали олинган бўлиб, улар беморларнинг елка ҳаракатчанлиги, оғриқ, чарчоқ ва ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, сут беши ракини барвақт аниқлаш, комплекс даволаш чора тадбирлари, реабилитация тадбирлари ва профилактик ёндашувлар беморларнинг ҳаёт сифатини ва жисмоний фаоллигини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, сут беши ракига қарши самарали чоралар кўриш, уни эрта аниқлаш, комплекс даволаш ҳамда реабилитация ва паллиатив ёрдамни йўлга қўйиш глобал аҳамиятга эга масала ҳисобланади. ЖССТ томонидан 2021 йилда ишга туширилган Global Breast Cancer Initiative (GBCI) ташаббуси доирасида 2040 йилга қадар ҳар йили сут беши рақдан ўлим ҳолатларини 2,5 % га камайтириш, шу орқали тахминан 2,5 миллион инсон ҳаётини сақлаб қолиш мақсад қилинган. Бу ташаббус уч асосий устунга таянади: аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва эрта ташхис, ташхисни кечиктирмасдан ўтказиш ҳамда комплекс даволаш, шу жумладан реабилитация ва паллиатив хизматларни қамраб олишдир.

Дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлари сингари юртимизда ҳам самарали ишлар олиб борилмоёда «...бу касалликлар ушбу тоифадаги шахсларнинг меҳнат қобилиятини эрта йўқотиши ва ҳаёт сифатининг пасайиши туфайли ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради, чунки

¹ https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/breast-cancer?utm_source

² Olsson Möller U. et al. A comprehensive approach to rehabilitation interventions following breast cancer treatment- a systematic review of systematic reviews //BMC cancer. – 2019. – Т. 19. – №. 1. – С. 472.

аҳолининг ушбу қисми жамиятдаги асосий меҳнат ва интеллектуал салоҳият эгалари ҳисобланадилар...»³.

Махсус даволашдан кейинги реабилитация ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг асосий тармоғи бўлиб, илмий жиҳатдан исботланган самарадорликка эга бўлган ресурсларни талаб қиладиган янги мураккаб ва ноёб даволаш усуллари кўллашга улар тиббиёт фанининг ютуқларига асосланади. Реабилитацияга бўлган эҳтиёж СБРнинг тарқалиши билан мутаносиб равишда тобора ортиб бормоқда, шу муносабат билан сут беги рақини махсус даволашдан кейинги реабилитация Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун мавжуд ва аҳолига ушбу турдаги ёрдамни кўрсатиш давлатнинг мажбурияти бўлиши лозим. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясиг. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, юқори технологияли ташхислаш усулларидадан фойдаланган ҳолда сут беги рақини эрта аниқлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда чекка ҳудудлар аҳолисига онкологик ёрдам кўрсатишга ёндашувларни оптималлаштириш ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти сабаб тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармонига мувофиқ тиббиёт муассасаларини рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш ғояси илгари сурилган. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги ва 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналишлари бўйича олиб борилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи⁴. Беморларга юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашга

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62 сонли қарори.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat,

йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Женева университети (Швейцария), Гейдельберг университетининг тиббиёт факультети (Германия), Калифорния тиббиёт маркази (АҚШ), Нью-Йорк давлат университети (АҚШ), Токио тадқиқотлар институтининг юрак-қон томир тадқиқотлари маркази (Япония), Манчестер геном тиббиёт маркази (Буюк Британия), Вильнюс университети (Литва), Республика ихтисослаштирилган онкология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Сут беzi раки билан касалланган беморларни махсус даволашдан кейинги реабилитация усуллари тақомиллаштириш бўйича бир қатор, шу жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: сўлак таркибидаги кортизол, интерлейкин 6, TNF α нинг мавжудлиги ҳамда оғирлик даражасининг миқдорий биомаркерлари ҳисобланиши аниқланган, бу орқали махсус даволашдан кейинги реабилитация жараёнида касалликни оғирлаштирувчи омиллар яни лимфостаз, яллиғланишни авж олдирувчи биомаркерлар ҳамда стресс омиллари доминант триггерлари саналади. Реабилитация тадбирларининг индивидуаллаштирилган усулларидан фойдаланиш касалликнинг клиник кечиши, яқин ва узок муддатлардаги башоратлар, беморлар ҳаёт сифати яхшиланиши исботланган; сут беzi ракиннинг асоратларининг олдини олишда юқори технологияли диагностик усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти асосланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Онкологик касалликлар, хусусан, сут беzi раки касаллиги ва қатор бошқа патологиялар глобал ўлим ҳолатининг асосий сабабларини ташкил этади ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайишига катта ҳисса қўшади. Дунё бўйича СБР дан ўлим ҳолатининг 2022 йилда қарийб 670 000 кишини ташкил қилиб бу паст ва ўрта даромадли мамлакатларга тўғри келади. СБР беморларнинг соғлиғи ва ҳаёт сифати учун жиддий хавф туғдирадиган, ёш ва катта ёшдаги аҳолининг ўлими, эрта ногиронлигининг асосий сабаби бўлган ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ҳисобланади. АҚШда бу соҳа энг илғор йўналишлардан бири ҳисобланади. Миллий онкология институти (NCI) ҳамда Cancer Survivorship Program доирасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Масалан, J. Ganz, P.A. Brawley, L. Rowland каби олимлар беморларнинг ҳаёт сифати ва узок муддатли реабилитация йўналишида катта изланишлар олиб боришган. Улар СБР даги лимфостаз, оғриқ, психоэмоционал ҳолат ва қайта ижтимоийлашув масалаларида муҳим илмий хулосаларга келганлар.

Европада сут беzi раки билан касалланган беморлар реабилитацияси илмий асосда чуқур тадқиқ этилган бўлиб, EUROPA DONNA ташкилоти ҳамда Европа онкология жамияти (ESMO) кўмагидада кўплаб ишлар амалга оширилган. Германиялик олимлар Н. Wiskemann ва К. Schmidt жисмоний машқлар, физиотерапия ва йога усуллариининг самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаб беришган. Шунингдек, Британиялик тадқиқотчи J. Corner ва

Италиялик онколог А. Veronesi сут беши ракида реабилитациянинг психосоциал йўналишларига катта ҳисса қўшганлар.

Осиё мамлакатлари айниқса Япония, Корея ва Хитойда генетик тадқиқотлар билан бирга сут беши раки билан касалланган беморлар реабилитациянинг инновацион ва анъанавий усуллари уйғунлаштириб ўрганилмоқда. Япониялик олим S. Ohno ва Кореялик тадқиқотчи H. Kim жисмоний реабилитация ва медитациянинг психоэмоционал ҳолатни барқарорлаштиришдаги самарадорлигини ўранишган. Хитой олимлари эса фитотерапия ва акупунктурани замонавий даволаш усуллари билан уйғунлаштириш йўналишида изланишлар олиб боришмоқда.

Республикаимизда ҳам сўнгги йилларда бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Онкология марказларида сут беши раки билан оғриган беморларнинг узок муддатли кузатувлари, даволашдан кейинги ҳаёт сифатини баҳолаш ишлари йўлга қўйилган. Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, СБР ни диагностика қилиш, даволаш, профилактика ва реабилитация соҳаларига янги инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек, бугунги кунда чекка ҳудудлар аҳолисига реабилитация хизматларини кўрсатишни ташкиллаштиришни янада чуқурроқ таҳлил қилиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу муаммони долзарб деб ҳисоблаш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012400288-сонли “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфекция ва ноинфекцион этиологияли касалликларни олдини олиш, диагностика ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади Сут беши раки билан касалланган аёлларда махсус даволашнинг (жарроҳлик, химиотерапия, нур терапияси) турли босқичларида амалга ошириладиган тиббий реабилитация усуллариининг самарадорлигини аниқлаш ва клинко-лаборатор ва психоэмоционал кўрсаткичлар асосида такомиллаштириш орқали беморларнинг ҳаётий сифатини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сут беши ракини назорат қилишнинг эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотларининг таҳлили асосида ушбу касалликнинг комплекс назорат қилиш тамойилларини асослаш;

СБР билан касалланган аёллар оқимини тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ихтисослаштирилган даволаш ва реабилитация босқичида ёшга, касаллик босқичига ва жараённинг хавфлилик даражаси асосида маълумотларни ўрганиш ва касаллик регистри билан таққослаш;

Сут беши раки билан касалланган беморларда махсус даволашдан кейинги даврдаги реабилитация усуллариининг самарадорлигини клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар асосида солиштирма таҳлил қилиш;

Тиббий реабилитация дастурининг узоқ муддатли самарадорлигини, касаллик қайталаниши ва асоратлар ривожланиш эҳтимолига таъсирини аниқлаш;

Олиб борилган тадқиқот натижалар асосида сут беши раки билан касалланган аёллар учун клиник, лаборатор ва психоэмоционал ҳолатга мос индивидуал реабилитация алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сут беши раки касаллиги билан касалланган ва ушбу касалликлар бўйича махсус даволаш усуллари қўлланилган беморларнинг маълумотлари; махсус даволаш усулларида кейинги реабилитацияга муҳтож бўлган Республика ихтисослаштирилган онкология илмий-амалий марказида даволанган беморлар, ҳамда ушбу даволашдан кейин юзага келадиган асоратлар тадқиқот объектининг ажралмас қисми сифатида ўрганилади.

Тадқиқотнинг предмети соғлиқни сақлаш тизими соҳасидаги онкологик хизмат фаолиятини қатъий белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг расмий статистика маълумотлари; 2013-2023 йиллар давомида сут беши раки билан оғриган беморларнинг касалланиш мезонлари ва ногиронлик кўрсаткичлари; реабилитацияга муҳтож бўлган сут беши ракига чалинган аҳолининг соғлиғини баҳолаш; “Тиббий муассаса хизмат кўрсатиш ҳудудида яшовчи беморларда қайд этилган касалликлар сони тўғрисида” Ф-12 рақамли Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг йиллик ҳисоботлари шакли; тиббий ёрдамга муҳтож онкологик беморларни текшириш натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун аналитик, ретроспектив, прогностик (интеграл баҳолаш), башоратли, клиник-инструментал, лаборатор-функционал, эксперт, молиявий-иқтисодий ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор сут беши ракининг эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотлар биргаликда таҳлил қилиниб, ушбу касалликни комплекс назорат қилишнинг тамойиллари ишлаб чиқилган;

Сут беши раки билан касалланган аёллар оқимини шакиллантиришнинг ёш, касаллик босқичи ва хавфлилик даражасига қараб ўзига хос хусусиятлари ўрганилди ҳамда мавжуд касаллик регистрлари билан таққослаш натижада касалликни индивидуал даволаш модели ишлаб чиқилган;

Махсус даволашдан кейинги даврда қўлланиладиган реабилитация усулларида самарадорлиги клиник, лаборатор (кортизол, IL 6, TNF α) ва ҳаёт сифатини баҳолаш шкаласи (VAS шкаласи, HADS шкаласи, SF-36) кўрсаткичлар асосида таҳлил натижалари асосида такомиллаштирилган;

Тиббий реабилитация қўлланилиши натижасида касалликнинг қайталаниши ва асоратлар ривожланиш эҳтимоли камайиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши асосланган;

сут беши раки билан касалланган аёллар учун клиник, лаборатор ва психоэмоционал ҳолатни ҳисобга олган ҳолда индивидуал реабилитация алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сут беши раки билан касалланган беморларни махсус даволашдан (жарроҳлик, химиотерапия ва нур терапияси) кейин юзага келадиган оғриқ синдроми ва ҳаракат функциясининг чекланиши такомиллаштирилган реабилитация орқали сезиларли даражада камайди. VAS шкаласи бўйича оғриқ кўрсаткичи 7 балл атрофидан 3 баллдан пастга тушган ҳолатлари кузатилди.

Такомиллаштирилган реабилитация дастурларини тўлиқ қўллаш натижасида II ва III даражали лимфостаз ҳолатлари қисқарди. Асосий гуруҳдаги беморларнинг катта қисмида қўллардаги шиш ва ҳаракат чекланиши йўқолди, бу эса кундалик иш фаолиятнинг тиклашга қўмаклашди.

HADS шкаласи бўйича хавотир ва депрессия даражаси сезиларли камайди. Такомиллаштирилган реабилитация гуруҳидаги беморларда хавотир ва депрессия баллари назорат гуруҳига яқинлашган, бу эса психологик қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини исботлайди.

Беморларда стресс маркерлари нормаллашиши кортизол миқдори реабилитациядан кейин нормаллашишга мойиллик кўрсатди. Асосий гуруҳдаги беморларда кортизол даражаси физиологик ритмга яқинлашган бўлса, иккинчи гуруҳда ўзгаришлар салбийлигича сақланиб қолган. Бу реабилитациянинг гумораль стресс реакцияларига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини кўрсатди.

SF-36 шкаласи бўйича ижтимоий фаоллик, жисмоний фаоллик, эмоционал ҳолат, умумий соғлиқ ва оғриқ кўрсаткичлари такомиллаштирилган реабилитациядан кейин кескин яхшиланди. Бу беморларнинг кундалик ҳаётга тезроқ қайтиш имкониятини яратди.

Тадқиқот асосида клиник, лаборатор ва психоэмоционал кўрсаткичларга асосланган индивидуал реабилитация алгоритми таклиф этилган бўлиб. Бу алгоритм беморларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш ва ҳар бир беморга мос дастур танлашга қўмаклашди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот замонавий реабилитация хизматларнинг фойдаланиш тартибини, моддий ва иқтисодий асосларини, шунингдек, диагностика, даволаш ва реабилитация сифатига оид тизимни яхшилашга қаратилган, ҳамда аҳолининг реабилитацияга бўлган имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот соғлиқни сақлаш тизимида СБР билан касалланган беморларни махсус даволашдан кейин реабилитацияни жорий қилиш орқали

ногиронликнинг камайиши билан ижобий ҳисса қўшади ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморларнинг реабилитациясига оид йўналишлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СБР билан касалланган беморларини махсус даволашдан кейинги реабилитация комплекс дастурини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида, даволаш самарадорлигини ошириш, ногиронлик даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган механизмини чуқур ўрганиш асосида:

биринчи илмий янгилик: Илк бор сут беzi ракиннинг эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотлар биргаликда таҳлил қилиниб, ушбу касалликни комплекс назорат қилишнинг тамойиллари ишлаб чиқилган. “Сут беzi раки билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш усуллари”, “Сут беzi раки билан оғриган беморларнинг муолажалардан кейинги реабилитациясининг замонавий усуллари” бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (25 июн 2025 йил 9-сон баённома), Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Навоий филиали 2025 йил 02 июлдаги 30 т сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига 2025 йил 03 августдаги 30 и/т сонли буйруғи билан амалий фаолиятга жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик:* соғлиқни сақлаш тизимидаги ташхис ва даволаш жараёнларини такомиллаштириш орқали аҳолининг саломатлигини сақлаш, сут беzi ракидан эрта ўлимни камайтириш, ишчи кучи ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу натижа онкологик касалликларга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга; *иқтисодий самарадорлик:* шундаки, соғлиқни сақлаш тизими харажатларини оптималлаштиради, аҳоли саломатлиги ва меҳнат қобилиятини қайта тиклашда кўмаклашади, ногиронлик ва ижтимоий тўловлар миқдорини камайтиради. Шу билан биргаликда сут беzi ракини самарали реабилитация тадбирлари иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва аҳоли фаровонлигига тўғридан-тўғри ҳисса қўшади. *Ҳулоса:* Сут беzi раки билан оғриган аёлларда эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш орқали касалликнинг тарқалиш қонуниятлари чуқурроқ очиб берилди. Ушбу ёндашув илк бор касалликни комплекс реабилитация қилишнинг илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: Сут беzi раки билан касалланган аёллар оқимини шакиллантиришнинг ёш, касаллик босқичи ва хавфлилик даражасига қараб ўзига хос хусусиятлари ўрганилди ҳамда мавжуд касаллик регистрлари билан таққослаш натижада касалликни индивидуал даволаш модели ишлаб чиқилган. “Сут беzi раки билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш усуллари”, “Сут беzi раки билан оғриган беморларнинг муолажалардан кейинги реабилитациясининг замонавий усуллари” бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (25 июн 2025 йил 9-сон баённома), Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Навоий филиали 2025 йил 02 июлдаги 30 т сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт

маркази Бухоро филиалига 2025 йил 03 августдаги 30 и/т сонли буйруғи билан амалий фаолиятга жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: маҳаллий популяция хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда индивидуал даволаш ва реабилитация чоралари белгиланиши, аҳолининг реал эҳтиёжларига жавоб беради. Касалликнинг босқичи ва хавфлилик даражасига қараб фарқланган ёндашув беморларнинг самарали даволаниши ва ижтимоий ҳаётга тезроқ қайтишини таъминлайди; *иқтисодий самарадорлик*: Реабилитацияга индивидуал ёндашувга асосланган ушбу илмий янгилик соғлиқни сақлаш тизими харажатларини тежаш, ишчи кучини сақлаш ва ижтимоий-иқтисодий юкни камайтириш орқали мамлакат иқтисодиёти барқарорлигига хизмат қилади. *Хулоса*: Сут беzi раки билан оғриган аёлларда эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш орқали касалликнинг тарқалиш қонуниятлари чуқурроқ очиб берилди. Ушбу ёндашув илк бор касалликни комплекс реабилитация қилишнинг илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: Махсус даволашдан кейинги даврда қўлланиладиган реабилитация усулларининг самарадорлиги клиник, лаборатор (кортизол, IL 6, TNF α) ва ҳаёт сифатини баҳолаш шкаласи (VAS шкаласи, HADS шкаласи, SF-36) кўрсаткичлар асосида таҳлил натижалари асосида такомиллаштирилган. “Сут беzi раки билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш усуллари”, “Сут беzi раки билан оғриган беморларнинг муолажалардан кейинги реабилитациясининг замонавий усуллари” бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (25 июн 2025 йил 9-сон баённома), Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Навоий филиали 2025 йил 02 июлдаги 30 т сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига 2025 йил 03 августдаги 30 и/т сонли буйруғи билан амалий фаолиятга жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: Сут беzi раки билан оғриган аёлларда асоратларни камайтиради, оғрик, хавотир ва депрессияни пасайтиради, жисмоний ва ижтимоий фаолликни қайта тиклайди. Шу билан бирга, беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, оилавий ва меҳнат фаолиятига эртароқ қайтиш имкониятини яратиш орқали жамиятда ижтимоий барқарорлик, соғлом муҳит шаклланишига хизмат қилади; *иқтисодий самарадорлик*: реабилитация тадбирларини самарали ташкил этилиши беморларнинг меҳнат қобилиятини қайта тиклаш ва соғлом ҳаётга қайтишига ёрдам бериб, иқтисодиётда ишчи кучини йўқотишдан ҳимоя қилади. Эрта ногиронлик ва ижтимоий нафақаларга бўлган талаб камайиши эса давлат бюджети учун моддий юкни камайтиради. *Хулоса*: Сут беzi раки билан оғриган аёлларда эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш орқали касалликнинг тарқалиш қонуниятлари чуқурроқ очиб берилди. Ушбу ёндашув илк бор касалликни комплекс реабилитация қилишнинг илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: Тиббий реабилитация қўлланилиши натижасида касалликнинг қайталаниши ва асоратлар ривожланиш эҳтимоли камайиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши асосланган. “Сут беzi

раки билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш усуллари”, “Сут беи раки билан оғриган беморларнинг муолажалардан кейинги реабилитациясининг замонавий усуллари” бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (25 июн 2025 йил 9-сон баённома), Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Навоий филиали 2025 йил 02 июлдаги 30 т сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига 2025 йил 03 августдаги 30 и/т сонли буйруғи билан амалий фаолиятга жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: ушбу ёндашув аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом ва фаол аёллар улушини кўпайтириш, оилавий барқарорликни мустаҳкамлаш ва умумий турмуш даражасини оширишга хизмат қилади; *иқтисодий самарадорлик*: Узоқ муддатли самарали реабилитация беморларнинг меҳнат қобилиятини сақлаш ва иш фаолиятига қайтишига хизмат қилади. Бу иқтисодиёт учун ишчи кучи йўқотилишини камайтиради ҳамда оилаларнинг даромад манбаларидаги узулишни камайтиради. *Хулоса*: Сут беи раки билан оғриган аёлларда эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш орқали касалликнинг тарқалиш қонуниятлари чуқурроқ очиб берилди. Ушбу ёндашув илк бор касалликни комплекс реабилитация қилишнинг илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиш имконини берди.

беиинчи илмий янгилик: Сут беи раки билан касалланган аёллар учун клиник, лаборатор ва психоэмоционал ҳолатни ҳисобга олган ҳолда индивидуал реабилитация алгоритми ишлаб чиқилган. “Сут беи раки билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш усуллари”, “Сут беи раки билан оғриган беморларнинг муолажалардан кейинги реабилитациясининг замонавий усуллари” бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар СамДТУ Илмий кенгашида тасдиқланган (25 июн 2025 йил 9-сон баённома), Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Навоий филиали 2025 йил 02 июлдаги 30 т сонли буйруғи билан, Республика ихтисослаштирилган онкология илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига 2025 йил 03 августдаги 30 и/т сонли буйруғи билан амалий фаолиятга жорий қилинган; *ижтимоий самарадорлик*: клиник, лаборатор ва психоэмоционал кўрсаткичлар асосида амалга оширилган реабилитация тадбирлари амалий жиҳатдан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва касалликнинг қайталаниш хавфини камайтиришда самаралидир; *иқтисодий самарадорлик*: кўшимча жарроҳлик амалиёти, химиотерапия ва нур терапиялар каби баланд таннархли даволаш усулларига бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада қисқаради. *Хулоса*: Сут беи раки билан оғриган аёлларда эпидемиологик, клиник ва статистик маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш орқали касалликнинг тарқалиш қонуниятлари чуқурроқ очиб берилди. Ушбу ёндашув илк бор касалликни комплекс реабилитация қилишнинг илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, наشر этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли даражасида сут беши саратонини назорат қилиш ва реабилитация этишнинг замонавий ёндашувлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобда саратондан кейинги тиббий реабилитациянинг илмий-амалий асослари ёритилган. Асосий эътибор сўнгги йилларда сут беши раки (СБР) билан оғриган аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган реабилитация усулларига қаратилган. Адабиёт таҳлили натижасида замонавий ёндашувлар — жисмоний машқлар, физиотерапия, лимфостазни бартараф этиш, психоэмоционал қўллаб-қувватлаш ва юқори технологияли диагностика усулларининг самарадорлиги асосланган.

Бобда СБРнинг эпидемиологияси, хавф омиллари, патогенези, эрта ташхислаш ва профилактика масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Ҳозирги кунда касалликнинг кўпайишига турмуш тарзи, гормонал дисбаланс, экологик омиллар ва генетик мутациялар катта таъсир кўрсатиши таъкидланган. Шу билан бирга, илмий манбаларда кўрсатилганидек, жисмоний фаолликни ошириш, соғлом овқатланиш, стрессни бошқариш ва генетик скрининг орқали касаллик хавфини камайтириш мумкинлиги қайд этилган.

Реабилитациянинг клиник самарадорлиги бўйича илмий далиллар таҳлил қилиниб, жисмоний ва психотерапевтик усулларнинг комплекс қўлланилиши оғриқ синдроми, депрессия ва лимфостазнинг камайишига, беморларнинг ижтимоий ва меҳнат фаолияти тикланишига олиб келиши кўрсатилган. СБРдан кейинги реабилитация тизимини такомиллаштириш зарурати илмий жиҳатдан асосланган ва бундай ёндашув соғломлаштириш меҳнат қобилиятини тиклаш ҳамда рецидивларнинг олдини олишда муҳим Соғлиқни сақлаш соҳасидаги аралашувларнинг клиник-иктисодий таҳлили ва самарадорлигини баҳолаш усулларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг асосий материал ва усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, фойдаланилган материаллар ва тадқиқот дастурининг усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобда илмий тадқиқотнинг клиник ва ташкилий жиҳатлари, беморларни танлаш мезонлари, қўлланилган усуллар ҳамда реабилитация дастурининг амалга оширилиш тартиби кенг ёритилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда беморлар контингенти тузилган бўлиб, улар ёш, жинс, касалликнинг давомийлиги, оғирлик даражаси ва ҳамроҳ патологияларига кўра таҳлил қилинган. Тадқиқотга киритилган беморлар ҳолатига қараб икки асосий ва бир назорат гуруҳи ажратилган. Асосий гуруҳдаги беморларга

такомиллаштирилган комплекс реабилитация дастури қўлланилган, иккинчи гуруҳда стандарт даволаш усуллари амалга оширилган, назорат гуруҳи эса соғлом шахслардан ёки касаллик ремиссия босқичидаги беморлардан иборат бўлган. Барча иштирокчилардан тадқиқот олдидан ахборотли розилик олинган ва илмий иш маҳаллий этик қўмита томонидан тасдиқланган.

Беморларнинг умумий ҳолати ва даволаш самарадорлиги клиник, лаборатор ва инструментал усуллар ёрдамида баҳоланган. Клиник баҳолашда беморларнинг шикоятлари, касаллик давомийлиги, оғриқ ва диспноэ даражаси, иш қобилияти ҳамда ҳаёт сифати ўрганилган. Лаборатор текширувларда умумий қон ва пешоб таҳлиллари, биохимик кўрсаткичлар, глюкоза ва липид профили, яллиғланиш маркерлари (CRP, IL-6, TNF- α), шунингдек электролитлар ва метаболлик параметрлар аниқланган. Инструментал диагностика усуллар қўлланилган. Беморларнинг психологик ҳолати махсус анкеталар (HADS, SF-36, MLHFQ) орқали баҳоланиб, стресс, депрессия ва ҳаёт сифати кўрсаткичларининг динамикаси таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг асосий мақсадига мувофиқ равишда асосий беморлар контингенти, уларнинг ёши, жинси, касаллик давомийлиги, клиник шакллари ва ҳамроҳ касалликлари таҳлил қилинган. Ушбу маълумотлар асосида беморлар 2 та асосий ва 1 та назорат гуруҳига ажратилган. Гуруҳлар танлашда беморларнинг ҳолати, касалликнинг оғирлик даражаси, олдинги даволаниш усуллари ва функционал имкониятлари ҳисобга олинган. 1-группа (асосий) – комплекс реабилитация дастурини (жисмоний, физиотерапевтик ва психотерапевтик таъсир) олган беморлар. 2-группа (киёсий) – фақат стандарт медикаментоз ва физиотерапия даволаниши олган беморлар. Назорат гуруҳи – соғлом шахслар ёки касаллик ремиссия босқичида бўлган беморлар. Реабилитация дастурининг клиник самарадорлигини баҳолашга қаратилган бўлиб, у бир нечта йўналишларни ўз ичига олган. Жисмоний реабилитация бўйича беморларга нафас гимнастикаси, дозаланган юриш, енгил аэроб машқлар ва ортопедик коррекция элементларидан иборат машқлар тавсия этилган. Физиотерапевтик йўналишда электростимуляция, магнитотерапия, лазер муолажалар, лимфодренаж ва массаж қўлланилган. Психоэмоционал реабилитацияда индивидуал ва гуруҳ психотерапияси, когнитив-бихевиорал машғулотлар, автоген тренинг ҳамда стресс-менежмент усуллари жорий этилган. Нутритив ва метаболлик реабилитация қисмида туз ва ёғ чекланган парҳез, антиоксидантлар, минерал моддалар ва метаболлик воситалар билан даво дастури тузилган. Шу билан бирга, ҳар бир беморга соғлом турмуш тарзи, парҳез, жисмоний фаоллик ва дори воситаларини мунтазам қабул қилиш бўйича таълимий маслаҳатлар берилган. Тадқиқот давомида беморлар ҳолати даволаш олдидан, реабилитациядан кейин ва кузатув даврида (3–6 ойдан сўнг) қайта баҳоланган. Реабилитация самарадорлиги клиник динамика, биохимик ўзгаришлар ва ҳаёт сифати орқали аниқланган.

Тадқиқот натижаларига статистик ишлов беришда замонавий биостатистик усуллардан фойдаланилган. Ҳар бир кўрсаткичнинг ўртача қиймати ($M \pm m$), стандарт оғиш, ишонч оралиғи ва ишонч даражаси ($p < 0,05$) ҳисобланган. Корреляцион ва регрессия таҳлиллари орқали клиник кўрсаткичлар билан биохимик параметрлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланган, шунингдек,

реабилитациянинг таъсир самарадорлиги учун прогностик омиллар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Сут беzi саратони билан касалланган беморлар оқими тузилмасини ва уларнинг 5 йиллик ҳаётда қолиш кўрсаткичини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида саратон регистрида рўйхатга олинган беморларнинг ҳозирги сони шаҳар аҳолиси орасида онкомаммология хизмати томонидан аниқланган беморларнинг жорий оқимини акс эттиради. Онкологик беморлар оқимини шакллантиришнинг аҳоли даражасидаги кўрсаткичи ўзига хос эҳтимолий тузилишга эга. Айнан шу тузилмани ҳисобга олмасдан, аҳолига онкологик хизмат кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини аҳоли миқёсида тўлиқ статистик таҳлил қилиш мумкин эмас. Бундай таҳлил профилактика, ташхис қўйиш, онкологик беморларни клиник бошқариш ва келажакни режалаштириш босқичларини қамраб олиши керак. Хусусан, аҳоли даражасида онкологик беморлар оқимини шакллантиришнинг эҳтимолий тузилишига мувофиқ равишда, ҳар қандай клиник тадқиқотларда фақатгина вакиллик намуналари шакллантирилиши мумкин.

1 жадвал					
ЎзР ССВ РИОваРИАТМ ДК кансер регистрида 2017 йил 1 июлдан 2021 йил 31 декабргача диспансер ҳисобига олинган беморлар оқимида сут беzi саратони (СБС) билан касалланган беморларнинг тақсимланиши					
Категория	N	M	m	CІ95%	
				ЛГ	ПГ
01.07.2017 йилдан 31.12.2021 йилгача ҳисобга олинган КР оқимидаги "SBS" ташхиси қўйилган жами беморлар сони	7096	100,0%	-	-	-
Улардан 01.07.2017 йилгача СБС ташхиси билан ҳисобга олинганлар	3146	44,33	0,35	43,65	45,02
01.07.2017-31.12.2021 йилларда рўйхатга олинган беморлар орасидан 10.04.2023 йилга келиб "SBS" ташхиси билан вафот этганлар сони	1513	21,32	0,49	20,37	22,27
КР оқимида 01.07.2017 йилгача "SBS" ташхиси билан, шу жумладан "PMO" билан ҳисобга олинганлардан вафот этганлар сони	744	23,65	0,76	22,16	25,13
01.07.2017 йилдан 31.12.2021 йилгача "SBS," шу жумладан "metaxron SBS" ташхиси қўйилган беморлар ҳисобга олинган (биринчи СБС ҳолати 01.07.2017 йилгача қайд этилган бўлиши мумкин)	3950	55,67	0,59	54,51	56,82
Улардан 01.04.2023 йилга келиб вафот этганлар сони	769	19,47	0,63	18,23	20,70
01.07.2017 йилдан бошлаб биринчи марта ҳисобга олинган ва 01.01.2018 йилдан кечиктирмай даволанишни бошлаган СБС билан касалланган беморлар	3880	53,83	0,59	52,67	54,99
Улардан 01.04.2023 йилга келиб вафот этганлар сони	755	19,76	0,64	18,51	21,02

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2017 йил 1 июлдан 2021 йил 31 декабргача бўлган даврда рўйхатга олинган ва 5,5 йил давомида (2017 йил 1 июлдан 2023 йил 1 апрелгача) кузатилган 7096 нафар СБС билан касалланган аёллардан, шу жумладан "РМО" ташхиси билан, 1513 нафари (21,32%, СИ95%=20,37÷22,27) вафот этган. 2017 йил 1 июлгача "саратон" ташхиси билан, шу жумладан "РМО" билан рўйхатга олинганлардан 744 бемор (23,65%, СИ95%=22,16÷25,13) вафот этган. Иккала кўрсаткич ҳам статистик жиҳатдан таққосланарли ($p>0,05$). 2017 йил 1 июлдан 2021 йил 31 декабргача "SBS" ташхиси билан, шу жумладан "РМО" билан биринчи марта рўйхатга олинган 3950 нафар аёлдан (улар илгари бошқа "саратон" ташхиси билан, шу жумладан 2017 йил 1 июлгача рўйхатга олинган бўлиши мумкин) 769 нафари (19,47%, СИ95%=18,23÷20,70) вафот этган. Кансеррегистр билан рўйхатга олинган бемор аёллар оқими билан фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p<0,05$). Бу фарқ 2017 йилдан бошлаб РИОваРИАТМ ТГФда қўлланила бошланган диагностика ва даволашнинг янги клиник стандартлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳақда биз ушбу ишнинг иккинчи бўлимида айтиб ўтган эдик. Аммо таҳлилнинг ҳозирги босқичида биз бу ҳолатни фақат ишчи гипотеза сифатида илгари суришимиз мумкин.

Саратон регистри маълумотлари бўйича беморларнинг беш йиллик яшаб қолиш эҳтимоли кўрсаткичларини ажратилган намунада таққослаш шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳри бўйича аҳоли даражасида СБС билан касалланган аёлларнинг беш йиллик яшаб қолиш эҳтимоли поликлиника шифокорлари "саратон"га шубҳа қилгандан ёки етарли клиник ишончлилик билан кўкрак беzi ЁСсини аниқлагандан кейин ҳам беморларнинг шаҳарнинг асосий онкология муассасасига мурожаат қилишининг кечикиши билан сезиларли даражада чекланади. Шунга кўра, бу кўпинча даволашни эрта бошлашнинг кечикишига олиб келади (кечкикиш муддати ойлар, баъзан ҳатто йиллар билан ўлчаниши мумкин). Шу билан бирга, ихтисослаштирилган онкологик тиббий ёрдам кўрсатиш беш йиллик яшаб қолиш эҳтимолини сезиларли даражада ошириб, уни ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлаштириши мумкин.

Ушбу факт шаҳарда маммологик скринингни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир, чунки бунда эрта босқичларда аниқланган СБС ҳолатлари частотасининг ўсишини кутиш тўлиқ асослидир. Бироқ, бу ихтисослаштирилган клиникага етарлича мурожаат қилмаслик туфайли уларни автоматик равишда кўпайтиришга ва ихтисослаштирилган даволашни эрта бошлашга олиб келмайди.

Диссертациянинг «Клиник протоколларга асосланган сут беzi саратонини даволаш самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида саратон касаллиги билан оғриган беморларда клиник протоколлар асосида амалга оширилган комплекс даволаш усулларининг самарадорлиги таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида сут беzi раки билан касалланган беморларнинг клиник кўрсаткичлари, патоморфологик маълумотлари, даволаш усуллари ва уларнинг натижалари солиштира равишда баҳоланган. Асосий мақсад – миллий ва халқаро стандартлар асосида тузилган клиник протоколларнинг

амалий самарадорлигини аниқлаш ва уларнинг маҳаллий шароитдаги қўлланилиш имкониятларини илмий асослашдан иборатдир. Тадқиқотда иштирок этган беморлар клиник кўрсаткичларига кўра бир нечта гуруҳларга ажратилган. Биринчи гуруҳда стандарт клиник протоколлар асосида комплекс даво (хирургик, химио-, гормоно- ва радиотерапия) амалга оширилган; иккинчи гуруҳда эса стандарт даво билан бир қаторда индивидуал реабилитация ва психоэмоционал қўллаб-қувватлаш элементлари жорий этилган. Беморларнинг даволашдан олдинги ва кейинги ҳолати клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар асосида баҳоланган.

Олинган маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, клиник протоколлар асосида комплекс даво олиб борилган беморларда касаллик рецидивлари камайган, тўқималардаги яллиғланиш ва фиброз жараёнлари барқарор пасайган, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар сони сезиларли даражада камайган. Протокол асосидаги ёндашув доирасида саратонга қарши терапиянинг дозаси, давомийлиги ва тана юкига таъсири оптималлаштирилган. Тадқиқот давомида клиник протоколлар қўлланилган гуруҳда беморларнинг умумий соғломлашиш кўрсаткичи 87–90% ни ташкил этган, бу эса анъанавий усуллар билан даволанган беморлардаги 65–70% кўрсаткичдан сезиларли фарқ қилган ($p < 0,05$). Реабилитация билан биргаликда қўлланилган протоколлар асосидаги даво усули ҳаёт сифатининг ошиши, оғриқ синдромининг пасайиши ва психоэмоционал ҳолатнинг яхшиланиши билан намоён бўлган. Хирургик босқичда амалга оширилган протоколли ёндашув натижасида операциядан кейинги лимфостаз, яра инфекцияси ва шишиш ҳолатлари анча кам кузатилган. Химиотерапия даврида илгари кенг тарқалган кучли токсик таъсирлар (жигар ферментларининг ошиши, оғиз шилиғини шикастланиши, анемия) аниқ бошқарув алгоритмлари асосида камайтирилган. Шунингдек, замонавий протоколлар доирасида индивидуал гормонотерапия ва таргетли препаратлар самарадорлиги юқори бўлган.


2 жадвал										
РИОваРИАТМ ТГФда 2018 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабргача бўлган даврда рўйхатга олинган, 2017 йил 1 июлгача даволанишни бошлаган ва шу санадан кейин ҳам давом эттирган сут беги саратони билан касалланган аёлларнинг стационар оқимида беш йиллик яшаб қолиш эҳтимолининг ўзгариш динамикаси.										
Число лет	Даволанишни . 01.07.2017 йилдан олдин бошлаган беморлар гуруҳи					2017 йил 1 июлдан сўнг даволанишни бошлаган беморлар гуруҳи				
	N	M,%	m	CI95%		N	M,%	m	CI95%	
				ЛГ	ПГ				ЛГ	ПГ
1,00	111	100,00	0,00	100,00	100,00	346	96,01	1,04	93,96	98,05
3,00	106	95,50	1,97	91,64	99,35	291	85,03	1,90	81,30	88,76
5,00	93	83,78	3,50	76,93	90,64	258	81,62	2,06	77,58	85,67

Бўлим шундай тарзда режалаштирилганки, унда келтирилган натижалар аҳоли даражасидаги клиник аралашувларнинг самарадорлигини акс эттиради. Бу самарадорлик, аввало, беморларнинг 5 йиллик яшаб қолиш эҳтимоли каби муҳим умумлаштирилган мезон орқали баҳоланади. Статистик ҳисоб-

китобларнинг аниқлиги ҳар бир беморнинг касаллик тарихини батафсил ўрганишга ва стационар бемор карталарида қайд этилган барча клиник ва ташхис маълумотларига асосланади.

Клиник протоколлардан фойдаланиш натижасида умумий яшаш даражаси, рецидивсиз яшаш даври ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари сезиларли яхшиланган. Реабилитация дастури билан интеграция қилинган ҳолдаги протоколли даво беморларда ижтимоий мослашувни тезлаштирган, касбий фаолликни тиклашга ва эмоционал барқарорликни сақлашга ёрдам берган. Шу билан бирга, тадқиқот давомида клиник протоколларнинг маҳаллий шароитда қўлланилишидаги айрим камчиликлар ҳам аниқланган. Улар асосан моддий-техникавий базанинг етарли эмаслиги, малакали мутахассислар танқислиги ва беморларнинг психологик тайёргарлиги пастлиги билан боғлиқ эканлиги таъкидланган. Бу ҳолатлардан келиб чиқиб, протоколларнинг адаптация қилинган версиясини ишлаб чиқиш зарурлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг **“Сут беzi саратони билан касалланган аёлларнинг реабилитациядан олдинги ҳаёт сифатини баҳолаш натижалари”** деб номланган бешинчи бобида олинган илмий натижаларнинг клиник амалиётдаги аҳамияти, уларни онкология ва реабилитация тизимида жорий этиш имкониятлари ҳамда замонавий клиник протоколлар асосидаги комплекс даво усулларининг самарадорлиги ёритилган. Тадқиқот натижалари шундан далолат бердики, сут беzi раки билан оғриган беморларда клиник протоколлар асосида амалга оширилган комплекс даво ва кейинги реабилитация чоралари беморнинг соғломлашиш жараёнини тезлаштиради, операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтиради ва ҳаёт сифатини яхшилади. Бу илмий асосланган ёндашув миллий онкология амалиётида жорий этилиши мумкин бўлган самарали модел сифатида тавсия этилади. Беморларга қўлланилган интеграциялашган терапевтик дастур натижасида организмнинг адаптация имкониятлари анча ошган. Бу реабилитациянинг барча босқичларида – эрта, функционал ва узоқ муддатли даврларда беморнинг клиник ҳолатини барқарорлаштиришга олиб келган.



1 расм.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, кўкрак беzi саратони билан оғриган беморларда операциядан кейинги даврда депрессия аломатлари

юқори даражада намоён бўлади, бу эса уларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир этади. Ушбу тоифадаги беморлар учун психологик ёрдам ва реабилитация чора-тадбирлари мажмуавий тарзда олиб борилиши зарур.


3 жадвал

Муолажалардан олдинги даврда сўлак таркибидаги кортизол миқдори

Кортизол нг/мл	1-гурух (n=90)	2-гурух (n=60)	3-гурух (n=30)
Тонги натижалар	19,8 *± 4,6	20,0 *±4,3	13,4 ± 3,1
Кечки натижалар	18,6 *± 4,1	19,4 *± 4,0	5,3 ± 1,6
	19,2±4,35	19,7±4,15	9,35±2,35

Барча шкалалар бўйича 1 ва 2-гурух беморларининг натижалари 3-назорат гуруҳ билан солиштирилганда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди ($p < 0.001^*$), бу эса саратон касаллигидан кейинги ҳаёт сифати кескин пасайганини кўрсатади.

